

**КИЧИК ЖАНРНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ
(ФАРИД ЭДГУ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА)**

КЕНЖАЕВА ПОШШАЖОН
филология фанлари доктори, ТДШУ

КАРИМОВА ШАХНОЗА
тадқиқотчи, ТДШУ

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/ot/vol-01issue-02-01>

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий турк ёзувчиси Фарид Эдгунинг ижоди ҳақида маълумот берилган ва сараланган ҳикоялари таҳлил қилинган. Адибнинг таҳлилга тортилган ҳикоялари “Ав” (“Ов”, 1967), “İşte Deniz, Maria” (“Мана денгиз, Мария”, 1999) номли ҳикоялар тўпламидан олинган. Ёзувчи ижодига таъсир кўрсатган Фарб ва турк адабиётининг йирик носирлари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб, уларнинг услубига хос умумий хусусиятлар тўғрисида тушунча берилган. Хусусан, Фарид Эдгунинг баъзи ҳикоялари жуда ҳам қисқа бўлишига қарамай, улар моҳиятида чуқур фалсафий мазмун мужассамлашгани кузатилади. Бундай асарлар турк адабиётишунослигида “минимал ҳикоя” (“*minimal öykü*”) атамаси билан юритилади. Ф.Эдгу “минимал ҳикоя”ларининг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларда воқеадан кўра ҳолат тасвири муҳим ўрин тутди. Мақолада адибнинг “Жаллоднинг ўлими” (“*Cellad'ın Ölümü*”), “Кутилмаган меҳмон” (“*Beklenmeyen Konuk*”), “Қоронғуликда” (“*Karanlıkta*”), “Кошки” (“*Keşke*”), “Хаёлхона” (“*Hayalhane*”) сингари ҳикоялари тадқиқ этилган. Бу ҳикояларда кичик жанрнинг катта имкониятлари ва ҳаётнинг фалсафий моҳияти очиб беришига ҳаракат қилинган. Шу маънода кичик воқеа ёки ҳолатни кенг тасвир полотносига кўчириши Фарид Эдгу услубининг асосий хусусияти эканлиги хулоса қилинади.

Шунингдек, рамзий сюжет, рамзий образ, рамзий диалоглар, уларнинг янги усубий шаклда ифодаланиши турк модерн ҳикоячилигининг етакчи хусусиятлари ҳисобланади. Фарид Эдгу услубининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у бир қатор ҳикояларида инсон ҳаётидаги фожеа, исён, мурасасизлик ва мурасасозлик каби зиддиятга тўла ҳолатларни бутун мураккабликлари билан ишонарли ёритди. Адиб Шарқ халқлари адабиётига хос мажоздан тасвир воситасида самарали фойдаланиб, мажозий наср услубининг тараққиёти ва шу билан бирга турк ҳикоянавислигида “минимал ҳикоя” (“*minimal öykü*”) жанрининг ривожига улкан ҳисса қўшди. Мақолада Фарид Эдгу ижодини тадқиқ этган турк адабиётишуносларининг фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга олинди, айрим ўринларда улар билан баҳс-мунозараларга киришилди. Хулоса қисмида ёзувчи ижоди ва ҳикояларининг ўзига хос жиҳатлари умумлаштирилди.

Таянч сўз ва иборалар: Фарб адабиёти, турк ҳикоячилиги, Фарид Эдгу, услуб, минимал ҳикоя, жанр, мажоз, модернизм.

Аннотация. В данной статье представлена информация о творчестве современного турецкого писателя Фариды Эдгу и проанализированы избранные рассказы. Анализируемые рассказы писателя взяты из сборников рассказов «Ав» («Охота», 1967), «İşte Deniz, Maria» («Вот море, Мария», 1999). Также кратко упоминаются крупные западные и турецкие литературоведы, повлиявшие на творчество писателя, и дается понятие об общих особенностях их стиля. В частности, несмотря на то, что некоторые рассказы Фариды Эдгу очень короткие, в их сути заложен глубокий философский смысл. Такие произведения в турецком литературоведении называются «минимальный рассказ» («*minimal öykü*»). Важнейшим аспектом «минимальных рассказов» Ф.Эдгу является то, что в них важнее образ ситуации, чем рассказ. В статье рассматриваются такие произведения писателя, как «Смерть палача» («*Cellad'ın Ölümü*»), «Нежданный гость» («*Beklenmeyen Konuk*»), «В темноте» («*Karanlıkta*»), «Если бы» («*Keşke*»), «Дума» («*Hayalhane*»). В этих рассказах сделана попытка раскрыть большие возможности малого жанра и философскую сущность жизни. В этом смысле можно сделать вывод, что перенос небольшого события или ситуации на широкое картинное полотно – главная черта стиля Фариды Эдгу.

К тому же, символический сюжет, символический образ, символические диалоги, их выражение в новом методе являются ведущими чертами современного турецкого повествования. Еще одной уникальной чертой стиля Фарид Эдгу является то, что в серии рассказов он убедительно осветил конфликтные ситуации в жизни человека, такие как трагедия, бунт, нетерпимость и непримиримость во всей их сложности. Писатель внес большой вклад в развитие образного прозаического стиля и одновременно в развитие жанра «минимальный рассказ» («*minimal öykü*») в турецком повествовании, эффективно используя метафору, характерную для литературы народов Востока. В статье принято во внимание также мнение турецких литературоведов, изучавших творчество Фарид Эдгу, а местами и вступивших с ним в дискуссию. В заключении были обобщены уникальные аспекты творчества и рассказов автора.

Опорные слова и выражения: Западная литература, турецкое повествование, Фарид Эдгу, стиль, минимальный рассказ, жанр, метафора, модернизм.

Abstract. This article provides information about the work of contemporary Turkish writer Farid Edgu and analyses selected short stories. The stories analysed are taken from the short stories collections "Av" ("Hunting", 1967), "İşe Deniz, Maria" ("Here is the sea, Maria", 1999). The author also briefly mentions major Western and Turkish literary figures who have influenced the writer's work, and gives an idea of the general characteristics of their style. In particular, despite the fact that some of Farid Edgu's stories are very short, there is a deep philosophical meaning in their essence. In Turkish literary studies, such works are referred to as "minimal öykü" (minimal story). One of the most important aspects of Edgu's minimal stories is that they focus more on the situation than on the story. The works such as "Death of the Executioner" ("Cellad'ın Ölümü"), "Unexpected Guest" ("Beklenmeyen Konuk"), "In the Dark" ("Karanlıkta"), "If Only" ("Keşke") and "Thought" ("Hayalhane") are reviewed in this article. In these stories an attempt is made to reveal great possibilities of small genre and philosophical essence of life. In this sense one can conclude that the transfer of a small event or situation onto a large pictorial canvas is the main feature of Farid Edgu's style.

In addition, the symbolic plot, symbolic image, symbolic dialogues, and their expression in a new method are the leading features of modern Turkish storytelling. Another unique feature of Farid Edgu's style is that he has convincingly highlighted human conflict situations such as tragedy, rebellion, intolerance and intransigence in all their complexity in a series of stories. The writer has made a great contribution to the development of figurative prose style and at the same time to the development of the "minimal story" ("minimal öykü") genre in Turkish storytelling, making effective use of metaphor typical of Orientalist literature. The opinion of the Turkish literary critics, who have studied the works of Farid Edgu and have at times engaged in a debate with him, has also been taken into consideration. The article concludes with a summary of the unique aspects of the author's works and stories.

Keywords and expressions: Western literature, Turkish storytelling, Farid Edgu, style, minimal story, genre, metaphor, modernism.

Кириш. 70-80-йилларда турк замонавий адабий жараёнида ғарб модернизми, авангард адабиётига қизиқиш кучайгани кузатилади. Ж.Жойс, Ж.-П.Сартр, А.Камю, Ф.Кафка, В.Вулф асарлари ўрганилди ва таржима қилинди. Модернизм эстетикасига оид илмий адабиётлар ўрганила бошланди. “Турк ҳикоячилигида 1970 йиллардан кейин Ғарб ҳикоячилиги таъсиридаги модернистик, постмодернистик тушунчалар юзага келди; билвосита анъанавий ҳикоялардан анча фарқли янгича ҳикоя шакли пайдо бўла бошлади”, - деб ёзилади бу ҳақда И.Чешитли, Й.Балжи, Э.Колачлар ҳамкорликда ёзган тадқиқотда.¹

Хусусан, бу давр турк адабиётида жаҳон адабиётининг йирик модерн ёзувчилари қизиқиш билан мутолаа қилиниши билан бирга, уларнинг ижодидан таъсирланиб бир қатор асарлар яратилди. Аҳмад Ҳамди Танпинар, Саид Фоик Абасиёниқ сингари адиблар ижодида кузатилган модернистик ҳикоя Юсуф Отилган (1921-1989), Ферид Эдгу (1936), Нозли Эрой (1945), Мустафо Кутлу (1947), Селим Илери (1949), Муродхон Мунган (1955) каби ёзувчилар ижодида ривожлантирилди.

Умуман, 60-йиллардан бошлаб, жанрнинг янгича ифода шакллари излаш натижасида ижодкорлар қисман бўлса ҳам модернизмнинг баъзи хусусиятларидан фойдаландилар. Замонавий турк ҳикоячилигида шундай ёзувчилардан бири Фарид Эдгу ҳисобланади.

¹ Çetışli İ, Balcı Y, Kolaç E. Cumhuriyet Dönemi Türk Nesri. Anadolu Üniversitesi. Eskişehir-2012. -S.49.

Ёзувчининг илк ижоди турк ҳикоячилигининг йўлбошчи адиби Саид Фоиқ таъсирида шаклланган. Шунингдек, Ғарб адабиёти, хусусан, Ф.Рабле, Н.Гоголь, Флобер, Стендаль, Бальзак, Виржиния Вулф, Фолкнер, Флобер, Стендаль, Бальзак, Фолкнер, Ф.Кафка, Ж.-П.Сартр, Римбауд, Алфред Жерри, Элуард, Бретон, Мусил, Броч асарлари ҳам Ф.Эдгу учун муайян маънода мактаб вазифасини бажарган.

Мақсад ва вазифа: Замоनावий турк ҳикоянавислиги доирасида ҳикоя жанрининг хусусияти ва янгиланиш тамойилларини тадқиқ этиш, хусусан, Фарид Эдгу услубидаги ўзига хос хусусиятлар, ҳикояларидаги образлар олами ва психологияси, модернизм ва постмодернизм йўналишида ёзилган ҳикояларини илмий асослашдан иборат.

1960 йиллардан кейинги давр турк модерн ҳикоячилигининг янгиланиш тамойилларини Фарид Эдгу ижоди мисолида асослаб бериш, шунга кўра замоनावий турк ҳикоячилигининг янгиланиш тамойилларига оид илмий-назарий умумлашмалар чиқариш мақола олдига кўйилган вазифа ҳисобланади.

Усуллар: Замоनावий турк ҳикоячилигининг янгиланиш тамойиллари, хусусан, Фарид Эдгу ижодини ўрганишда адабий-эстетик, биографик ва психологик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза: Замоनावий турк ҳикоянавислигининг янгиланиш тамойиллари, шунингдек, йирик ҳикоянавис Фарид Эдгу ижодини ўрганишга бағишланган мазкур мақола натижалари замоनावий турк ҳикоячилиги, ундаги шакл ва мазмун кўламдорлиги, адиб ижодига Ғарб ҳикоячилигининг таъсири, янгича тасвир тамойиллари тўғрисидаги фикрларимизни янада бойитади.

Турк адабиётшуноси Й.Эржевитнинг ёзишича: “Турк адабиётида “кафкаёна” хусусиятларни асарларида энг кўп қўллаган ёзувчи, шубҳасиз, Фарид Эдгудир. Эдгунинг Кафкага яқинлиги мотив жиҳатдан аниқлигида ва фикрий ифодада яққол акс этади. Иккала ёзувчининг асарларида ҳам пессимист, ночор инсонлар тасвири, бегоналашган ташқи олам тасвири бир қарашда тушунтириш мушкул бўлган мавҳумликка қаратилган деган таассурот уйғонади”.² Бу фикрни бошқа бир турк адабиётшуноси Н.Тўсун янада ривожлантиради: “Экзистенциализмдаги шахсий хатти-ҳаракатлар, Кафкадаги пессимистик ва хаёлий ёндошувлар барча авлодлар каби Эдгуни ҳам таъсирлантирди”.³

Хўш, экзистенциализмнинг ўзи нима? Ф.Эдгу ижодининг бу фалсафага қандай алоқаси бор?

“Экзистенциализм фалсафаси, - деб ёзади бу ҳақда адабиётшунос У.Жўракулов, - яшовчанлиги вақт билан чегараланувчи абсурд тушунчасини замон ва макон нуқтаи назаридан мутлоқлаштиришга, унга боқийлик тусини беришга уринади. Луғавий маъноси “мавжудлик” (лотинча “*existentia*” мавжудлик, борлик, ҳаёт демак) бўлган бу фалсафа ҳаётнинг маънисизлиги, яшашга арзимаслигини талқин этувчи таълимот ҳисобланиб, бундай талқиннинг асл моҳияти абсурдизмда ҳадди аълосига этади”(таъкид бизники – П.К.).⁴ Демак, экзистенциализм фалсафаси инсоннинг реал ҳаётда яшашидан бирор маъно топмаган инсонни мутлоқлаштиради. Бадий адабиётдаги экзистенциал қаҳрамон мана шундай фалсафага таяниб яшайди, фикрлайди ва ўлади. Адабиётшуносликда А.Камю, Ф.Кафка, Ж.-П.Сартр қаҳрамонларини экзистенциализм адабиётига нисбатлаш анъанаси мавжуд. Адабиётшунос М.Холбеков Кафка қаҳрамонлари ҳақида шундай фикр билдиради: “Кафка қаҳрамони экзистенциализм руҳи билан суғорилган “маҳобатли кўрқинч” ҳиссини юрагида олиб юришга маҳкум этилган. Айни пайтда “уни босиб олган кўрқув ҳиссиётининг бепоён кенгликлари” аслида қалбини чулғаб олган ижобий хислат эканлигини яхши тушуниш лозим, чунки бу кенгликларда даҳшатга солувчи кучдан устун турувчи олий

² Ercevit Y. Kurmaca Bir Dünyadan: Yazın İncelemeleri. Gündoğan Yayınları, Ankara-1992. –S.28-29.

³ Tosun N. Ferid Edgu: Düşsel Öyküler / Öykümüzün Kırk Kapısı. Nece Yayınları. Ankara-2013. –S.268.

⁴ Жўракулов У. Худудсиз жилва.-Т.:Фан, 2006. –Б. 5.

хислат, яъни инсонни енгиб бўлмасликка бўлган ишонч мужассамдир”.⁵ Бу ҳам Кафка ижоди, экзистенциал қаҳрамон ҳақидаги бир қараш эканини таъкидлаган ҳолда Ф.Эдгу асарлари таҳлили асосида фикримизни давом эттирсак.

Фарид Эдгунинг “Жаллоднинг ўлими” ҳикоясидаги бош қаҳрамонлар ота ва ўғил. Шу икки қаҳрамон ўртасидаги муносабат ҳикоя сюжетини ташкил этади. Ота - жаллод. Ўз вазифасига тобе давлат ишчиси. Ўғлини ҳам бир касб эгаси бўлиши, хусусан, ўз касбини давом эттиришини хоҳлайди. Жинойтчини қатл этиш (ҳукмни ижро этиш)ни ҳам хизматкорлик, котиблик, давлат магазинларида сотувчилик сингари қонуний бир “лавозим” деб ҳисоблайди. Касбига бўлган муҳаббати шу даражадаки, қатлга буюрилган одамнинг кимлигига ҳам қизиқмайди. Бола эса отасининг истагига кўра бу касбни давом эттиришга мажбур. Аммо фарзанд буни хоҳламайди. Дастлаб уйдан, бора-бора ўздан қочишга уринади. Бир куни бунинг бефойдалигини англайди ва уйга қайтади. Тадқиқотчиларнинг ёзишича: “Ҳикояда жаллодликдан қочишни истаган, аммо “қисмат” туфайли қоча олмаган, қочиш учун барча чораларни кўрса-да, инсонлар ўзи учун қўйган чегаралар сабабли яна жаллодликка қайтишга маҳкум инсоннинг ички ва ташқи кечинмалари ифодаланади”.⁶

“Yüreği sıkışyordu.

Biliyordum, dedi. Bunun için geldim.

Karşısında yaşlı bir adam duruyordu şimdi. Ak saçlı, ak sakallı, gülyüzlü bir adam. Elinde ona yakışmayan bir kement tutuyordu. Yağlı bir kement.

Yüreği sıkışyordu.

İhtiyar yumuşacık bir sesle, Hadi yavrum, dedi, şimdi senin sıran.

Uzat boynunu.

Ama benim oğlum kör ve başka bir oğlan çocuğum yok.

Ziyanı yok, dedi ihtiyar. Sen uzat boynunu.

Ama yasalar buna engel, dedi o.

Ben, sizin yasalarınızı uygulamıyorum, dedi, ihtiyar, handiyse sevecen bir sesle. Hadi, uzatma.

Uzattı boynunu.

Yüreği-”⁷

(“Юраги сиқилди.

Биламан, деди. Шунинг учун келдим. Қаршисида кекса қария турарди. Соч-соқоли оқарган, истарали одам. Қўлида эса ўзига ярашмаган арқон билан турарди. Йирик арқон.

Юраги сиқилди.

Қария майин овозда, қани жигарим, энди сенинг навбатинг, бўйнингни чўз, деди.

Аммо менинг ўғлим сўқир, бошқа ўғлим йўқ.

Зиёни йўқ, деди йўқ қария. Сен бўйнингни чўз.

Бунга қонунлар тўсқинлик қилади, деди у.

Мен сизларнинг қонунларингизга бўйсунмайман, деди қария, шафқатли овозда. Қани пайсалга солма.

Бўйинини чўзди.

Юраги.”)

Қанчадан-қанча жинойтчини қонун бўйича қатл этган жаллоднинг хаёлида ўлим фақат ҳукм орқали амалга оширилиши керак. Шу сабабли ҳам у “ўлим фариштаси”га қонунлар ҳақида гапиради, ваҳоланки, ажал ҳеч қандай қонун-қоидага бўйсунмайди. Ҳикоя хулосаси эса “Ажал ҳеч бир инсоний қонунларга бўйсунмайди, ажал фариштаси Яратган буюрган паллада пайсалга солмай инсон жонини олади”, деган ислом шарқига хос фалсафага олиб

⁵ Холбеков М. Франц Кафка / XX аср модерн адабиёти манзаралари: мақолалар тўплами, мумтоз сўз нашр., Тошкент-2014. –Б.131.

⁶ Kabaklı A. Türk Edebiyatı. Cilt V. Türk Edebiyatı Vakfı Yayınları, İstanbul-2002. –S.736.

⁷ Edgu F. Cellad'ın Ölümü / Av. (Таржима бизники – П.К.) Yapı Kredi Yayınları, 2 Baskı, İstanbul-2001. –S.93.

келади ўқувчини. Бу жиҳати билан Ф.Эдгу ҳикоячилиги ғарб фалсафасидан юқорирок поғонага кўтарилади. Дунёнинг абсурдлиги ҳақидаги таги пуч қарашларни инкор этади.

Аммо шунга қарамасдан турк адабиётшунослари Ф.Эдгу ижодидан Кафка таъсирини топишга уринадилар. Масалан, Л.Йигит бу ҳақда: “Албатта, ҳар бир ёзувчининг тажрибасида ўзи таъсирланган, авайлаб-асраган баъзи манбалари, маълум бир ёзувчилар ижоди борлиги муқаррар. Эдгу кўплаб мақолаларида Кафка ижоди ҳақида фикр билдиради” деган фикрни айтади.⁸ Ҳолбуки, Ф.Эдгунинг: “Кафка бутун ҳаётини ижодга бағишлаган нодир шахслардан бири ҳисобланади. Унинг асарларида *ёлгон-яшиқ, шу сўз, бу ҳикоя, қандай боғлиқликда, ким учун, қайси қарашни акс эттириши мақсадида ёзилган деган саволларни бермайсиз*. Кафка фақатгина ёзишга тобе. Ҳаётида бошқа нарсага ўрин йўқ” (таъкид бизники – П.К.), деган фикрлари адабиётшуносни тасдиқламайди.⁹ Чунки ёзувчининг курсивда кўрсатилган сўзларида Кафка ижодидаги беқарорлик, мақсадсизликка нисбатан ироник муносабат аниқ билинади.

Ф.Эдгунинг яна бир ҳикояси – “Кутилмаган меҳмон”ни шу нуқтаи назардан таҳлил этиб кўрайлик:

“- Ҳақиқатан ҳам келишимни хоҳлаяпсанми? Чиндан ҳам уйингга киришимни хоҳлаяпсанми? Мендан кўрқмайсанми? – деди.

*- Сафсатани бас қил, - дедим. – Бундай ҳавода, ярим тунда қаерга бормоқчисан, қани, ичкарига марҳамат”.*¹⁰

Ҳикоя қаҳрамони ўз уйида уйкуга кетаётган маҳал ногоҳон эшик тақиллаб қолади. Биринчи марта эшик ортидан берилган “Ким у?” сўроғига ҳеч ким жавоб бермайди. Эшик иккинчи бор қоқилганда меҳмон ўзини танитади, “дўстингман” дейди. Аммо мезбон уни дўст деб тан олмайди. Меҳмон аразлаб кетмоқчи бўлади. Аммо мезбоннинг узр сўраб ялинишларидан кейин қайтиб келади. Мезбон меҳмонни уйига таклиф этади... Ҳикоя сюжети шундан иборат. Меҳмон мезбонга “эски дўстингман” дейди. Чамаси, муаллиф бу билан туркий халқларга хос қадим меҳмондўстлик анъаналарининг узилиб кетаётганига ишора қилади. Мезбоннинг сўнгги сўзи эса бундай туйғулар одамларни тўла тарк этиб кетмаганини кўрсатади. Рамзий маънода тушунилганда ҳам мазмун унчалик узоқлашиб, турк адабиётшунослари айтганларидек абсурдлашиб кетмайди. Аксинча, инсон кўнглидаги эзгуликни талқин этади. Агар уйни инсоннинг кўнгли, уйқуни эзгу амаллардан узоқлашиш, меҳмонни эса виждон ёки имон деб тушунадиган бўлсак, ушбу ҳикоя ёлғизликда қалби тошга айланаёзган одамнинг ўзлигини топиши тарзида тушунилиши мақсадга мувофиқ. Чунки виждон, иймон деган умумбашарий туйғулар одамни тамомила ташлаб кетмайди. Унинг ниятига қараб эртами-кечми фавқулудда қайтиб келади.

Ф.Эдгунинг дастлабки ҳикояларидаги реал ҳаёт тасвири кейинги асарларида тараккий топиб борди. Ҳаётда ёзилган, чорасиз, турли келишмовчиликлар туфайли ёлғиз қолган ва одамларга бегоналашиб бораётган, мақсадсиз ва тушкун кайфиятли қаҳрамонлар ёзувчининг ўша даврлардаги руҳий ҳолатини акс эттирган. Бу даврга оид асарларида сюрреализм унсурлари воситасида дунё ва инсон руҳиятини уйғун тасвирлаб, ўз-ўзини излаётган шахс вазиятини акс эттиради. Шахс ва дунё юзлаштирилган бу асарларида ёзувчи глобал ҳақиқатларга рамзлар либосини кийдиради.

“Қоронғуликда” ҳикояси қаҳрамони ўзини доим таъкибда юргандек ҳис қилади. Бир тунда у уйига боришни истамайди. Ҳамиша унга интизор аëлидан узоқларда бўлишни хаёл қилади. Шу тариқа “Хаёл ҳикоянинг асосий мавзу даражасига кўтарилади”.¹¹ Дарҳақиқат,

⁸ Yiğit L. Ferit Edgü'nün Roman ve Öykülerinde Yapı ve Tema. Yüksek Lisans Tezi. Yüzüncü Yıl Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Van-2007. –S.29.

⁹ Kabaklı A. Türk edebiyatı. Cilt V. Türk Edebiyatı Vakfı Yayınları, İstanbul-2002. –S.782. Бу ҳақда қаранг: Edgu F. Şimdi Saat Kaç. 1986. –S.65.

¹⁰ Эдгу Ф. Кутилмаган меҳмон. (Елўқ С, П.Кенжаева тарж). Академнашр. Т-2011. –Б.307.

¹¹ Tosun N. Ferid Edgu: Düşsel Öyküler / Öykümüzün Kırk Kapısı. Nece Yayınları. Ankara-2013. –S.270.

ҳикоя сюжети, қаҳрамонлари хаёл ва ҳаёт қоришиқлигида тасвирланади. Баъзан қаҳрамонлар воқеликка нотанишдек муносабатда бўлишади. Кечинмалар жараёнини эслай олишмайди. “Қоронғуликда” ҳикояси қаҳрамони ҳам шундай ҳолатни бошдан ўтказади:

*“Karşı kıyıdaydım. Nasıl geçtim buraya? Bir sandalla mi. Nasıl? Anımsıyorum. İskelede buldum kendimi. İskeleyle ev on dakika çeker. Çevreme bakındım. Oh! Kimseler yok. Ayağa kalktım. Eve doğru yürümeye başladım.”*¹²

(“Қарши соҳилда эдим. Бу ерга қандай келдим. Қайиқ биланми? Қандай қилиб? Эслай олмадим. Ўзимни пристанда кўрдим. Пристандан уйгача ўн дақиқалик йўл эди. Атрофга алангладим. Эҳ! Ҳеч ким йўқ. Оёққа турдим. Уй томонга юра бошладим.”) Шу пайт қаҳрамон кўзига қандайдир шарпа кўрингандек бўлади. Қаҳрамон буни ҳам идрок этолмайди:

*“Karanlıkta yol. Ay buluta girmişti. Sallana sallana yürüyordum. Duvarlara tutuna tutuna. Önümden bir karaltı geçti. Az ilerde durup bir an bana baktı. Sonra uzaklaştı. Karanlığın içinde yitti. Ayak sesleri duyulmaz oldu.”*¹³

(“Йўл зулматга бурканган. Ой булутлар пинжигга кириб олган. Деворларга суянганча гандираклар борардим. Олдимдан бир шарпа ўтди. Сал нарида туриб бир лаҳза менга қараб қолди. Кейин узоқлаша бошлади. Зулмат ичида зойиб бўлди. Оёқ товушлари эшитилмади.”)

Кўринадики, Фарид Эдгунинг асарлари шахсинг ички изтиробларини бор бўй-басти билан ёритади, инсоннинг барча хатти-ҳаракатларига ташқи муҳит таъсир этишини кўрсатишга интилади. Унинг асарларидаги шахслар салбий оқибатлар таъсири остида чорасизлик, имконсизлик ва алоқасизлик орқасида пайдо бўлган ёлғизликни яшаётиб, ҳаётдан умидларини узмоқчи бўладилар. Аммо икки ҳикояда ҳам оптимистик руҳ ғолиб чиқади. “Қоронғуликда” ҳикояси қаҳрамони тартибсиз ва бешафқат кўчани босиб ўтиб ўз кадрдон уйига томон йўл солади. Аҳмад Ҳирчин (“Йўқолган кун”) эса шифтда осиглик арқондан қочиб “банафшаранг гуллар очган дарахт тагидаги қулбага қараб” интилади. Ҳаётдан умид қилади. Кафканинг экзистенциал қаҳрамонлари каби ўлимни танламайди. Яшариш ва ҳаёт гулини танлайди.

Шунинг учун бўлса керакки, турк адабиётшунослигида Ф.Эдгу ижодий методини гоҳ “маҳаллий экзистенциализм”, яъни экзистенциал кайфиятнинг шарқона ечими топилган бадий метод деб белгиланса, баъзан унинг мураккаб шаклдаги асарларини хаёлий реализмга нисбатлашади. Дарҳақиқат, Фарид Эдгу “идрок этиш ва англаш, ҳис этиш ва сезги ўртасидаги тафовутларни аниқлаштириш нуқтаи назаридан фантастик ёки хаёлий реализм усулини ўзлаштирди”.¹⁴

Ф.Эдгунинг баъзи ҳикоялари жуда ҳам қисқа бўлишига қарамай, унинг моҳиятида фалсафий мазмундорлик мужассамлангани кузатилади. Бундай асарлар турк адабиётшунослигида “минимал ҳикоя” термини билан юритилади. “Эдгу минимал ҳикояларида “воқеа”дан кўра инсоннинг лаҳзалик “ҳолат”ига эътибор қаратади, ҳикоя қилиш ва баёнчиликдан узоқлашади”, деб ёзади бу ҳақда турк тадқиқотчиси И.Кулоҳлиўғли.¹⁵

Ҳақиқатан, Ф.Эдгу “минимал ҳикоя”ларининг энг аҳамиятли жиҳати, уларда воқеадан кўра ҳолатнинг муҳим ўрин тутишидир. Фақат бир лаҳзалик ҳолат тасвирланган қисқа ҳикоялари билан янги овоз, янги нур, янги нафас ва янги умид олиб кирган ёзувчи янада ишончли, янада ёрқин ва ҳаққоний келажак ҳақида умид уйғотади. Унинг шундай

¹² Edgü F. Karanlıkta / Av (Таржима бизники – П.К.) Yapı Kredi Yayınları, 2 Baskı, İstanbul-2001. –S.33.

¹³ Edgü F. Кўрсатилган асар. –S.33.

¹⁴ Külahlıoğlu İ.A. Cumhuriyet Dönemi Türk Hikayesi / Yeni Türk Edebiyatı (1839-2000). Edit. Ramazan Korkmaz. Ankara-2015. –S.369.

¹⁵ Arı Z. Ferit Edgü'nün Öykü ve Romanlarında Anlatım Teknikleri. Yüksek Lisans Tezi. Gazi Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara-2008. –S.48.

ҳикояларидан бири “Кошки” деб номланади. Ҳикоянинг асоси диалоглардан қурилган бўлиб, бор-йўғи 8та жумладан иборат:

Keşke

- *Benden hiç yardım bekleme, dedim.*
- *Kimseden yardım beklediğim, yok. Bugüne değin kendim kazanıp kendim yedim.*
- *Ama kazandığın başkalarına yetmedi. Bu nedenle de bir yuva kuramadın, bir kadının yok, dedim ona.*
- *O ayrı bir konu, dedi. Yardımla ilgisi yok. Ben boyuma göre birini bulamadım, hepsi bu.*
- *Peki aradın mı?*
- *Hayır, aramadım. Böyle biri olsaydı, o gelip beni bulurdu.*
- *Sen aramadığın sürece kimse seni bulmaz, dedim ona.*
- *Keşke! Oldu aldığım yanıt.*¹⁶

(*Кошки*

- *Мендан ҳеч ҳам ёрдам кутма, дедим.*
- *Ҳеч кимдан ёрдам кутганим йўқ. Бугунгача ўзим топиб, ўзим едим, деди.*
- *Аммо топганларинг бошқаларга етмади. Шу сабабли ўз маконинг йўқ, оила қурмадинг, дедим унга.*
- *Бу алоҳида масала, деди. Ёрдамга алоқаси йўқ. Мен ўзимга мос аёлни учратмадим, холос.*
- *Ҳўш, изладингми?*
- *Йўқ изламадим, агар менга мос аёл бўлганида у мени топган бўларди.*
- *Ўзинг изламасанг, сени ҳеч ким топмайди, дедим унга.*
- *Кошки! Жавобини олдим ундан.)*

Охирги жумла ҳикоянинг кульминацияси ва хулосаси ҳисобланади. “Кошки” дейди қаҳрамон. Юзаки қараганда бу “кошки” остида “мени ҳеч ким топмаса эди”, деган маъно ётгандек туюлади. Аммо юқоридаги “Мен ўзимга мос аёлни учратмадим, холос” жумласи қаҳрамоннинг шундай аёл уни бир кун келиб топишига ишончини кўрсатади. Йўқса у бунчалик катта умид билан “кошки” демаган бўларди.

Адибнинг бу каби ҳикоялари ҳақида машҳур адабиётшунос Н.Тўсун шундай фикр билдиради: “Фарид Эдгу бутун ижоди давомида фалсафий мазмундаги ифодага (...) содик қолди. Ҳақиқатнинг минг бир юзини очишга, инсонни ўзи ва ҳаёт ҳақиқати билан юзлаштиришга ҳаракат қилади. Ҳар доим шаклий янгиланишга интилни. Натижада янгиланган, модернистик ва экспериментал ҳикоячилигимизда ўзига хос номга эга бўлди”.¹⁷ Олимнинг фикрида тўла асос бор. Ф.Эдгу ҳеч қандай Ғарб экзистенцияси тарғиботчиси эмас, балки Ғарбга хос бадиий шакл (мазмун эмас)ларни турк адабиёти доирасида эксперимент қилди. Миллий адабиёт ичида янгилик барпо этди. Миллий модернистга айланди. Аммо мазмун нуқтаи назаридан исломий Шарқ фалсафасидан узоқлашмади.

Адибнинг “Остона”, “Кетиш они” ҳикояларида шарқона ўлим ва ҳаёт фалсафаси рамзлар воситасида реаллаштирилади. Ўлим ҳақида сўз юритилар экан, аслида умрнинг мазмуни хусусидаги улуғвор қарашлар илгари сурилади. Бу бизга Алишер Навоийнинг “Камол эт касбким, олам уйидин, Сенга фарз ўлмағай ғамнок чикмак. Дунёдан нотамом ўтмак биайни, Эрур ҳаммомдин нопок чикмак...” мисраларини эслатади. Ҳикоя қаҳрамонлари ўлимга мана шундай фалсафий қарайдилар. Дунёга келиб ҳеч нарсага эришмаган одамнинг ўлими ҳам ҳеч нарсага арзимади деган фикрни бадиий талқин этадилар.

“Хаёлхона” ҳикояси номига монанд бўлиб, бир лаҳзалик хаёл ҳақида. Ҳар бир санъаткор ижодида хаёллар олами мавжуд, улар шу олам орқали ўз асарларини ҳаётдан бадиийликка

¹⁶ Edgü F. Keşke / İşte Deniz, Maria. (Таржима бизники – П.К.) Yapı Kredi Yayınları, İstanbul-2002. –S.51.

¹⁷ Tosun N. Ferid Edgu: Düşsel Öyküler / Öykümüzün Kırk Kapısı. Nece Yayınları. Ankara-2013. –S.273.

кўчирадлар. Хаёл орқали синтез қилинган воқелик асарда бадиий тўқимани юзага келтиради. Биз ўйлаган хаёл билан ҳаёт доимо бир-бирига тўғри келавермайди. Ушбу ҳикоя ана шундай ғояни илгари суради:

Hayalhane

- Niçin kaybolmuş fotoğrafları arıyorsun. Elinde bir makinen var. Görüyorum. Yeni fotoğraflar çeksene. Hatta o kaybolan fotoğrafları.

- Ama onlar hayallerimdi.¹⁸

(Хаёлхона

- Нега йўқолган суратларни қидиряпсан, қўлингда фотоаппарат бор. Кўрдим. Янги сурат ол. Ҳатто ўша йўқолган суратларни ҳам.

- Аммо улар менинг хаёлларим эди.)

Дарҳақиқат, хаёлнинг суратини ҳеч қандай фотоаппарат қоғозга муҳрлай олмайди. Уни фақат сўзгина суратлантириши мумкин. Бу вазифани Ф.Эдгу сўзлари мукамал даражада бажаради.

Фарид Эдгу содда, тушунарли услубда ихчам, лўнда сўзлар орқали мазмундор лавҳаларни акс эттириши билан рассомлик ва бошқа санъат турларига қизиқиши, ҳатто бу борадаги иқтидорини намоён этади. Кичик воқелик ёки ҳолатни кенг тасвир палотносига кўчириш Ф.Эдгу услубининг пойдевори ҳисобланади.

Фарид Эдгу турк адабиётида йўлбошчи ёзувчилар қаторида туради. Анъаналарни инкор этмасдан, фақат анъанавий қолиплар ташқарисидан “янгилик” кидирган ёзувчи бир қанча ҳикоя тўпламларини нашр эттирди. Унинг “Қочоқлар” (1959), “Бузғун” (1962), “Ов” (1967), “Кемада” (1978), “Ҳайқирик” (1982), “Минг бир ҳижо” (1991), “Шарқ ҳикоялари” (1995), “Мана денгиз, Мария” (1999), “Давом” (2001), “До овози” (2002), “Компаслар” (2004), “Нижинский ҳикоялари” (2007) сингари қатор ҳикоя тўпламлари шу жиҳатлари билан турк адабиётида янги босқич – шарқона модерн насри анъаналарини бошлаб берди.

Хулоса. Биргина лаҳза ифодаси бўлмиш ҳикоялари билан адабиётга янги овоз, янги нафас, янги умид олиб кирган Фарид Эдгу яна ҳам инсоний, яна ҳам реал ва ҳақиқий келажакни ёритишга ҳаракат қилади. Унинг адабий асарларида ҳар он янгиликни турган ҳаётнинг кичик тасвирларини кўрамиз. Кичик воқеа ёки ҳолатни кенг тасвир полотносига кўчириш Ф.Эдгу услубининг асосий хусусияти ҳисобланади. У инсон ва макон бирлигига катта бадиий вазифа юклаб, матнга олиб кириш орқали шахснинг бугунги куни ва бугунги қароргоҳи ҳақида аниқ тасаввур беради. Адиб матн ичи ва матн ташқарисидаги рамзларга бой ихчам ҳикояларида ортиқча тафсилотлардан кечиб, реал ҳақиқат моҳиятини қисқа, лўнда очиб ташлашга муваффақ бўлади. Унинг ҳикояларида «Мен» турли кўринишларда намоён бўлади: «мен» – ҳикоя қаҳрамони; «мен» – ҳикоячи; «мен» – ҳикоя муаллифидир.

Шунингдек, Ф.Эдгу Шарқ халқларига хос мажоз воситасида ҳақиқатни ифодалаш йўлига таянган ҳолда мажозий наср услубига асос солди. Баъзан жониворлар, паррандалар, шарпалар, баъзида эса жонсиз предметларгача Ф.Эдгу учун улкан миллий, шахсий ва умуминсоний муаммолар талқини учун рамзий восита вазифасини бажарди. Умуман олганда, Фарид Эдгу томонидан янги турк ҳикоячилигига олиб кирилган модерн услуби на Ғарб модернизми, на замонавий турк насри анъаналарини такрорламаслиги билан ўзига хосдир. Бундай ўзига хослик ўзининг ментал хусусиятларини замонавий усулда намоён этган шарқона модерн услубида ўз аксини топди.

келтиради. Биз ўйлаган хаёл билан ҳаёт доимо бир-бирига тўғри келавермайди. Ушбу ҳикоя ана шундай ғояни илгари суради:

¹⁸ Edgü F. Hayalhane / İşte Deniz, Maria. (Таржима бизники – П.К.)Yapı Kredi Yayınları, İstanbul-2002. –S.59.

Hayalhane

- *Niçin kaybolmuş fotoğrafları arıyorsun. Elinde bir makinen var. Görüyorum. Yeni fotoğraflar çeksene. Hatta o kaybolan fotoğrafları.*

- *Ama onlar hayallerimdi.*¹⁹

(Хаёлхона

- *Нега йўқолган суратларни қидиряпсан, қўлингда фотоаппарат бор. Кўрдим. Янги сурат ол. Ҳатто ўша йўқолган суратларни ҳам.*

- *Аммо улар менинг хаёлларим эди.)*

Дарҳақиқат, хаёлнинг суратини ҳеч қандай фотоаппарат қоғозга муҳрлай олмайди. Уни фақат сўзгина суратлантириши мумкин. Бу вазифани Ф.Эдгу сўзлари мукамал даражада бажаради.

Фарид Эдгу содда, тушунарли услубда ихчам, лўнда сўзлар орқали мазмундор лавҳаларни акс эттириши билан рассомлик ва бошқа санъат турларига қизиқиши, ҳатто бу борадаги иқтидорини намоён этади. Кичик воқелик ёки ҳолатни кенг тасвир палотносига кўчириш Ф.Эдгу услубининг пойдевори ҳисобланади.

Фарид Эдгу турк адабиётида йўлбошчи ёзувчилар қаторида туради. Анъаналарни инкор этмасдан, фақат анъанавий қолиплар ташқарисидан “янгилик” қидирган ёзувчи бир қанча ҳикоя тўпламларини нашр эттирди. Унинг “Қочоқлар” (1959), “Бузғун” (1962), “Ов” (1967), “Кемада” (1978), “Ҳайқирик” (1982), “Минг бир ҳижо” (1991), “Шарқ ҳикоялари” (1995), “Мана денгиз, Мария” (1999), “Давом” (2001), “До овози” (2002), “Компаслар” (2004), “Нижинский ҳикоялари” (2007) сингари қатор ҳикоя тўпламлари шу жиҳатлари билан турк адабиётида янги босқич – шарқона модерн насри анъаналарини бошлаб берди.

Хулоса. Биргина лаҳза ифодаси бўлмиш ҳикоялари билан адабиётга янги овоз, янги нафас, янги умид олиб кирган Фарид Эдгу яна ҳам инсоний, яна ҳам реал ва ҳақиқий келажакни ёритишга ҳаракат қилади. Унинг адабий асарларида ҳар он янгиликни турсан ҳаётнинг кичик тасвирларини кўрамиз. Кичик воқеа ёки ҳолатни кенг тасвир полотносига кўчириш Ф.Эдгу услубининг асосий хусусияти ҳисобланади. У инсон ва макон бирлигига катта бадиий вазифа юклаб, матнга олиб кириш орқали шахсининг бугунги куни ва бугунги қароргоҳи ҳақида аниқ тасаввур беради. Адиб матн ичи ва матн ташқарисидаги рамзларга бой ихчам ҳикояларида ортиқча тафсилотлардан кечиб, реал ҳақиқат моҳиятини қисқа, лўнда очиб ташлашга муваффақ бўлади. Унинг ҳикояларида «Мен» турли кўринишларда намоён бўлади: «мен» – ҳикоя қаҳрамони; «мен» – ҳикоячи; «мен» – ҳикоя муаллифидир.

Шунингдек, Ф.Эдгу Шарқ халқларига хос мажоз воситасида ҳақиқатни ифодалаш йўлига таянган ҳолда мажозий наср услубига асос солди. Баъзан жониворлар, паррандалар, шарпалар, баъзида эса жонсиз предметларгача Ф.Эдгу учун улкан миллий, шахсий ва умуминсоний муаммолар талқини учун рамзий восита вазифасини бажарди. Умуман олганда, Фарид Эдгу томонидан янги турк ҳикоячилигига олиб кирилган модерн услуби на Ғарб модернизми, на замонавий турк насри анъаналарини такрорламаслиги билан ўзига хосдир. Бундай ўзига хослик ўзининг ментал хусусиятларини замонавий усулда намоён этган шарқона модерн услубида ўз аксини топди.

¹⁹ Edgü F. Hayalhane / İşte Deniz, Maria. (Таржима бизники – П.К.)Yapı Kredi Yayınları, İstanbul-2002. –S.59.